



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2023  
1-сон



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

профессор **Д.Х.Асланова**

**Масъул котиб:**

профессор **М.Қ.Пардаев**

**Муҳаррирлар:**

**Ф.А.Сафаров**

**Ш.З.Ўрозов**

**Техник муҳаррир:**

**А.Н.Холиқулов**

**Корректор:**

**С.А.Бабаназарова**

**Саҳифаловчи:**

**Ҳ.Н.Очилова**

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида  
тарқатилади.

**Таҳририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

[samisiservis@mail.ru](mailto:samisiservis@mail.ru)

**Таҳририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

**Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар  
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

**Таҳрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-  
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғойбназаров** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ Самарқанд филиали директори,  
иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Р.Болтабаев** – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва  
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ декани, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ доценти, и.ф.д.

<b>МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА ИНВЕСТИЦИЯ</b>	
<b>Вехзоджон Усмонович Шермухамедов</b> Тижорат банклари депозит сиёсатининг қийосий таҳлили	149
<b>Хуббим Аскарлович Улашев</b> Иқтисодийнинг келгуси тараққиётида инвестицияларнинг ўрни	153
<b>БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ</b>	
<b>Анвар Нематович Холиқулов</b> Хизмат кўрсатиш корхоналарида самарадорликни оширишнинг кўп омилли корреляцион-регрессион таҳлили	158
<b>Зайнаб Баратовна Эшпулатова, Шахзод Шохрухович Усманов</b> Корхоналар даромадларининг молиявий ҳисобот элементи сифатидаги тавсифи	162
<b>Бобур Фарходович Боронов</b> Ёғ-мой саноати корхоналарида пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботни такомиллаштириш	166
<b>БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ</b>	
<b>Шавкат Собирович Олтаев</b> Мамлакатимиз ёшларининг иш билан бандлик даражасини ошириш: муаммо ва имкониятлар	171
<b>Шаҳобиддин Зиядуллаевич Ўрозов</b> Марказий Осиё илм-фани ривожда Амир Темур ва Темурийларнинг тугган ўрни	175
<b>ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА</b>	
<b>Умар Худайбердиев, Севара Абдиназаровна Бабаназарова</b> Мактабгача таълим – таълим ва тарбиянинг асосидир.	180
<b>Тўлқин Кулибаевич Мардиев, Дилноза Акрамовна Искандарова</b> Инглиз ва ўзбек тилларида қурилиш терминларининг умумий семантик жиҳатлари	184
<b>Садулла Шодиевич Уразов</b> Таълим хизматлари кластери – таълим соҳасини ривожлантириш ва бошқариш стратегияси сифатида	188
<b>Ҳилола Нематовна Очилова</b> Таълим хизматларининг ўзига хос хусусиятлари	192
<b>ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР</b>	
Беморлик, фақирлик ва муҳтожлик сабаблари. Доно саволга доно жавоб.	197
<b>ИБРАТЛИ БИТИКЛАР</b>	
Инсоннинг руҳияти ва кечинмалари ҳақида савол-жавоблар.	198

4. У.Тўлаев. Молиявий натижаларни шакллантиришнинг назарий, меъёрий ва услубий жиҳатларини такомиллаштириш. <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/15623--moliyaviy-natijalarni-shakllantirishning-nazariy-myoriy-va-uslubiy-jihatlarini-takomillashtirish>
5. М.Ж.Темирханова. Туризм корхоналарида молиявий натижаларни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш. [http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/10\\_Temirkhanova.pdf](http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/10_Temirkhanova.pdf)
6. Р.Ҳасанова. Замонавий корпоратив бошқарув тизимида молиявий натижалар ва уларни тақсимлашнинг ҳисоби. <http://www.biznes-daily.uz/uz/birjaexpert/49680-zamonaviy-korporativ-boshqaruv-tizimida-moliyaviy-natijalar-va-ularni-tahsimplashning-hisobi>
7. Huifa Chen Qingliang Tang, Yihong Jiang, Zhijun Lin. The Role of International Financial Reporting Standards in Accounting Quality: Evidence from the European Union //Journal of International Financial Management & Accounting AuthorsVolume 21, Issue 3 Autumn 2010 Pages 220–278.
8. Концептуальные основы финансовой отчетности. [https://nrm.uz/contentf?doc=470813\\_konceptualnye\\_osnovy\\_finansovoy\\_otchetnosti](https://nrm.uz/contentf?doc=470813_konceptualnye_osnovy_finansovoy_otchetnosti)

З.Эшпулатова., Ш.Усманов	Z.Eshpulatova., Sh.Usmanov
<b>Описание доходов предприятий как элемент финансовой отчётности</b>	<b>Description of the income of enterprises as an element of financial statements</b>
<p><b>Аннотация:</b> В этой статье обоснованы актуальность вопросов учета доходов на предприятиях как элемента финансовой отчетности. На основе поправок к концептуальным правилам, внесенных советом по международному стандарту финансовой отчетности, были разработаны предложения по согласованию правил о доходах в нормативных правовых актах по бухгалтерскому учету в Узбекистане и по совершенствованию отчета о финансовых результатах.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> доход, концептуальные основы, элемент финансовой отчетности, прибыль или убыток, проценты, роялти, предприятия, международные стандарты финансовой отчетности, расходы, активы, обязательства, удельный капитал.</p>	<p><b>Abstract:</b> This article substantiates the relevance of income accounting issues at enterprises as an element of financial reporting. Based on the amendments to the conceptual rules introduced by the Council for the International Financial Reporting Standard, proposals were developed to harmonize the rules on income in the regulatory legal acts on accounting in Uzbekistan and to improve the financial results report.</p> <p><b>Keywords:</b> income, conceptual provisions, element of financial statements, profit or loss, interest, royalties, enterprises, international financial reporting standards, expenses, assets, liabilities, specific capital.</p>

**Бобур Фарходович Боронов** – СамИСИ докторанти, и.ф.ф.д. (PhD)

### ЁҒ-МОЙ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ПУЛ ОҚИМЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

<p><b>Аннотация.</b> Мақолада хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладиган ва тақдим этиладиган пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботнинг амалдаги ҳолати, ушбу ҳисоботни ёғ-мой саноати корхоналари томонидан тақдим этишдаги масалалар, молиявий ҳисоботнинг ушбу шаклида ёғ-мой маҳсулотларига оид моддаларнинг акс этирилиши каби масалалар тадқиқ этилган бўлиб, олиб борилган изланишлар натижасида илмий таклиф ва тавсиялар берилган.</p> <p><b>Калит сўзлар:</b> молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари, пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот, ёғ-мой саноати корхоналари, тайёр маҳсулот, ёғ-мой маҳсулотлари.</p>
---

**Кириш.** Хўжалик юритувчи субъектлар фаолият кўрсатар экан уларнинг ушбу фаолият натижалари ҳисобот тарзида ахборот фойдаланувчилар ихтиёрига тақдим этилиб борилиши лозим. Ушбу ҳисоботларда корхонанинг молиявий ва бошқарув аҳамиятидаги

натижалар қайд этилиб, ушбу ахборот фойдаланувчилари ҳам, ўз навбатида, молиявий ва бошқарув ахборот фойдаланувчиларига бўлинади. Молиявий ахборот фойдаланувчилар корхонанинг молиявий ҳолатига, хусусан пул маблағларининг ҳаракатига қизиқади. Ушбу ахборотлар эса, молиявий ҳисоботнинг “Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот” шаклида акс эттирилади. Шу боис, хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботнинг ушбу шаклини тузиш ва ахборот фойдаланувчиларга тақдим этиш муҳим ва долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда, акциядорлик жамияти шаклидаги ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган ёғ-мой саноати корхоналари пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботни тузишлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида белгиланган бўлиб, ушбу ҳисоботлар чораклик, ярим йиллик ва йиллик даврларда тузилади ва тақдим этилади. Ёғ-мой саноати корхоналари олдида турган яна битта муҳим вазифалардан бири, бу ушбу ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори<sup>1</sup>га кўра, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида белгиланган тартиб-қоидалар бўйича тузиш ҳисобланиб, ушбу вазифаларни ҳал этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

**Тадқиқот методологияси.** Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ёғ-мой саноати корхоналари томонидан тузиладиган ва тақдим этиладиган пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботда товар-моддий захиралари бўйича ахборотларни акс эттириш бўйича олиб борилган тадқиқотларда илмий абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, киёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Бугунги кунга қадар молиявий ҳисобот, хусусан унинг таркибий қисми ҳисобланган пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботнинг назарий ва услубий масалаларини такомиллаштириш бўйича мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан маълум ютуқларга эришиб келинган. Жумладан, мамлакатимиз олимларидан С.Н.Ташназаров пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботнинг методологик асослари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борган бўлиб, халқаро ва миллий стандартлар қоидаларига мос келадиган пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботнинг такомиллашган шаклини ишлаб чиққан ҳамда пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботни халқаро тажрибаларга мувофиқ, бевосита ва билвосита усуллар ёрдамида тузиш бўйича трансформация формулалари тавсия этилган<sup>2</sup>.

Д.М.Маткаримовнинг тадқиқот ишида пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг “операцион фаолият”, “инвестицион фаолият”, “молиявий фаолият” каби бўлимларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар берилган<sup>3</sup>.

С.А.Джуманов ўзининг илмий тадқиқот ишида бош, шўъба ва қарам корхоналарнинг пул оқимларини акс эттиришда ҳисоб сиёсатига асосан молиявий ҳисоботларни шакллантириш бўйича намунавий ҳисоб сиёсатини ишлаб чиққан<sup>4</sup>.

А.А.Темиров томонидан ушбу молиявий ҳисобот шаклига қуйидагича таъриф берилган: “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот корхона бошқаруви учун молиявий қарорларини қабул қилишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Бу маълумотлардан корхона раҳбарияти корхоналарнинг ликвидлигини ва дивидендларини ҳисоблашда, корхона фаолияти учун муҳим бўлган лойиҳани молиялаштиришда молиявий ҳолатини таҳлил қилишда фойдаланилади”<sup>5</sup>.

Юқорида мамлакатимиз олимлари томонидан олиб борилган илмий изланишлар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. 2020 йил 24 февраль. ПҚ-4611.

<sup>2</sup> Ташназаров С.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. -Т.: 2019 й., 73-б.

<sup>3</sup> Маткаримов Д.М. Молиявий ҳисоб ва ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. -Т.: 2019 й., 58-б.

<sup>4</sup> Джуманов С.А. Молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида компиляция қилиш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. -Т.: 2019.

<sup>5</sup> Темиров А.А. Кичик бизнес субъектлари фаолиятида молиявий менежментни такомиллаштириш. Монография. -Т.: Иқтисодиёт, -2015. -163 бет., 89-бет.

натижалари ҳамда улар томонидан келтирилган таъриф ва тавсифлардан кўриш мумкинки, пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботни тузиш муҳим аҳамият касб этади ва бугунги кунда, ушбу ҳисобот шаклини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузиш ва тақдим этиш ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан акциядорлик жамияти шаклидаги ёғ-мой саноати корхоналари фаолияти учун муҳим ҳисобланади.

**Таҳлил ва натижалар.** Ёғ-мой саноати корхоналари томонидан тузиладиган молиявий ҳисоботнинг “Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот” шакли акциядорлик жамияти шаклидаги ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган барча ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан мажбурий тарзда чораклик, ярим йиллик ва йиллик ҳисобот даврларида тақдим этилади. Ушбу ҳисобот шакли тўрт хил фаолият натижаларини ўз ичига олади: операцион фаолият, инвестиция фаолияти, молиявий фаолият ва солиққа тортиш. Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида тайёр маҳсулотларни сотиш натижасида, корхонанинг банкдаги асосий ҳисоб рақамига келиб тушган пул маблағлари ҳисоботнинг “асосий фаолият” қисмида акс эттирилади. Ёғ-мой саноати корхоналарида тайёр маҳсулотларга доир моддаларнинг пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботда акс эттиришини қуйидаги жадвал орқали кўриб чиқамиз (1-жадвал):

**1-жадвал**

**“Каттақўрғон ёғ-мой” АЖнинг пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботда тайёр маҳсулотлар бўйича моддаларнинг акс эттирилиши<sup>1</sup>**

(2019 йил 1 январь ҳолатида, минг сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Кирим	Чиқим
1	2	3	4
<b>Операцион фаолият</b>			
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан келиб тушган пул маблағлари	010	175035384.4	X
Материал, товар, иш ва хизматлар учун мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари	020	X	101731576
Ходимларга ва улар номидан тўланган пул маблағлари	030	X	17009849
Операцион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари	040		9668
<b>Жами операцион фаолиятнинг соф пул кирими/чиқими (010-020-030+/-040)</b>	<b>050</b>	<b>56284291.4</b>	<b>0</b>

Ушбу ҳисобот шаклидан кўриш мумкинки, маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан келиб тушган пул маблағлари 010-сатрда “кирим” таркибида акс эттирилади. Бироқ, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарда шундай жараёнлар ҳам бўладики, тайёр маҳсулотлар харидорларга сотилгандан кейин, бир қанча вақтдан кейин, турли сабабларга кўра, жумладан маҳсулотларнинг яроқсизлиги сабабли, корхонага қайтарилиши мумкин. Ушбу жараёнларни амалдаги “Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот” шаклининг “операцион фаолият” қисмида акс эттиришнинг имконияти йўқ. Бу эса, ахборотларнинг реаллигини пасайтириб, бошқарув қарорларининг аниқ қабул қилинишига халақит беради. Шу боис, ушбу сатрнинг “чиқим” қисмида ҳам суммаларни акс эттириш имкониятини яратиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу ҳисобот шаклида ҳам, ёғ-мой маҳсулотларини уларнинг турлари бўйича акс эттириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги хулосалар бўйича, тайёр маҳсулотларга оид моддаларнинг пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботда қуйидаги тартибда акс эттирилишини тавсия этдик (2-жадвал):

<sup>1</sup> Манба: муаллиф томонидан корхонанинг молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида тузилган.

2-жадвал

“Каттақўрғон ёғ-мой” АЖнинг пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботда тайёр маҳсулотлар бўйича моддаларнинг акс эттирилиши бўйича таклифлар<sup>1</sup>

(2022 йил 1 январь ҳолатида, минг сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Кирим	Чиқим
1	2	3	4
<b>Операцион фаолият</b>			
Асосий маҳсулотларни сотишдан келиб тушган пул маблағлари	010	105342654	X
Асосий маҳсулотларнинг қайтарилиши натижасида, харидорларга тўланган пул маблағлари	011	X	
Ёндош маҳсулотларни сотишдан келиб тушган пул маблағлари	012	51233602	X
Ёндош маҳсулотларнинг қайтарилиши натижасида, харидорларга тўланган пул маблағлари	013	X	
Ёрдамчи маҳсулотларни сотишдан келиб тушган пул маблағлари	014	54109052	X
Ёрдамчи маҳсулотларнинг қайтарилиши натижасида, харидорларга тўланган пул маблағлари	015	X	
<b>Жами маҳсулот турлари бўйича, пул кирими/чиқими (010-011+012-013+014-015)</b>	<b>016</b>	<b>175035384.4</b>	<b>0</b>

Биз томонимиздан, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарда пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот бўйича ишлаб чиқилган таклифларнинг аҳамияти куйидагилар билан белгиланади:

**Биринчидан**, ёғ-мой маҳсулотларининг турлари кесимида, таснифланган ҳолда ҳисобот сатрларида акс эттириш таклиф этилди. Ушбу таклифимиз, ёғ-мой саноати корхоналарида ҳисоботларнинг ахборот бериш жозибаторлигини оширишга хизмат қилади.

**Иккинчидан**, харидорларга сотилган маҳсулотлар, бирор бир сабаблар натижасида, корхонага қайтариб берилса ва корхона томонидан пул маблағлари харидорларга қайтариб берилса, ушбу жараён бўйича натижаларни амалдаги ҳисоботда акс эттиришнинг имконияти йўқ. Шу боис, ёғ-мой саноати корхоналарида, маҳсулотларнинг қайтарилиши натижасида, харидорларга тўланган пул маблағлари бўйича ҳар бир маҳсулот турлари бўйича алоҳида сатрлар очишни, лозим деб топдик.

**Учинчидан**, амалдаги ҳисобот шаклида, операцион фаолият натижасида, жами соф пул кирими ва чиқими 050-сатрда акс эттирилади. Бизнингча, маҳсулот турлари бўйича пул маблағларининг ҳаракатининг жами қийматини, алоҳида ҳисобот сатрида акс эттириш, лозим деб ўйлаймиз.

Биз томонимиздан, ёғ-мой саноати корхоналари бўйича, тавсия этилган ушбу ҳисобот шакли, корхоналарда молиявий ҳисоботларнинг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

**Хулоса ва таклифлар.** Ёғ-мой саноати корхоналарида молиявий ҳисобот шакллари такомиллаштириш, жумладан ҳисоботларнинг ахборот бериш бўйича имкониятларини ошириш бўйича, олиб борилган тадқиқотлар натижасида, умумий хулоса қилиш мумкинки, ёғ-мой маҳсулотлари бўйича молиявий ҳисоботларда, биз томонимиздан тавсия этилган янги сатрларни очиш ва уларда акс эттириш лозим, деб ўйлаймиз. Ёки,

<sup>1</sup> Манба: муаллиф томонидан корхонанинг молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида тузилган.

молиявий ҳисобот шаклларининг 20 йиллик ўзгаришсиз ҳолда қўлланилаётганлигини инобатга олган ҳолда, юқоридаги тавсияларимизни молиявий ҳисоботга тушунтириш хатига илова тариқасида тақдим этишни, тавсия этамиз. Чунки, бугунги кунда, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг фаолият хусусиятига қараб, молиявий ҳисоботларга қўшимча равишда, ҳисоб маълумотларини тақдим этишлари мумкин.

Хусусан, тадқиқот объектими ҳисобланган ёғ-мой саноати корхоналарида, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнлари ва улар ҳисобининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, молиявий ҳисоботнинг “Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар” қисмида биз тақлиф этган шаклда – “маҳсус ҳисобот” шаклида ахборотларни тақдим этиш, солиқ ва статистика ҳисоботларини аниқ ва тезкорлик билан тузишга имкон яратади, деб ҳисоблаймиз. Бу эса, Республика миқёсида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар бўйича кўрсаткичларни реал кўрсатишга хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. 2020 йил 24 февраль. ПҚ-4611.
2. Ташназаров С.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. -Т.: 2019 й., 73-б.
3. Маткаримов Д.М. Молиявий ҳисоб ва ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. -Т.: 2019 й., 58-б.
4. Джуманов С.А. Молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида компиляция қилиш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. -Т.: 2019.
5. Темиров А.А. Кичик бизнес субъектлари фаолиятида молиявий менежментни такомиллаштириш. Монография. –Т.: Иқтисодиёт, -2015. -163 бет., 89-бет.

<p style="text-align: center;"><b>Б.Боронов</b></p> <p><b>Совершенствование отчета о движении денежных потоков в масложировой отрасли</b></p> <p><b>Аннотация:</b> В статье рассмотрено текущее состояние отчета о движении денежных средств, составляемого и представляемого хозяйствующими субъектами, вопросы представления данного отчета предприятиями масложировой отрасли, отражение в данной форме финансовой отчетности веществ, связанных с масложировой продукцией. В результате исследования даны научные предложения и рекомендации.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> финансовая отчетность, международные стандарты финансовой отчетности, национальные стандарты бухгалтерского учета, отчет о движении денежных средств, предприятия масложировой отрасли, готовая продукция, масложировая продукция.</p>	<p style="text-align: center;"><b>В.Boronov</b></p> <p><b>Improving the statement of cash flows in the oil and fat industry</b></p> <p><b>Abstract:</b> The article considers the current state of the cash flow statement compiled and submitted by economic entities, the issues of presenting this report by enterprises in the oil and fat industry, the reflection in this form of financial statements of substances associated with oil and fat products. As a result of the study, scientific proposals and recommendations were given.</p> <p><b>Keywords:</b> financial statements, international financial reporting standards, national accounting standards, cash flow statement, oil and fat industry enterprises, finished products, fat and oil products.</p>
--	---



ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023